

Тошкент ш.

2021 йил «01» ноябр

«ALSKOM» Сугурта Компанияси Акциядорлик жамияти матн давомида «Сугурталовчи» деб аталади, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2015 йил 30 декабрдаги СФ № 00211 сонли лицензияси асосида фаолият юритувчи, «Тагаққиот» филиали номидан Баш ишончнома асосида фаолият кўрсатувчи Директор Ирзаев Ф.Э., ва «KAPITAL QURILISH DIREKSIYASI DM» номидан (матн давомида «Сугурта килдирувчи» деб аталади), Устав асосида фаолият кўрсатувчи Директор Алиев Ф.А., иккинчи томон бўлиб (матн давомида «Томонлар» деб аталади), ушбу Шартномани туздилар.

### 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Шартнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 июнданги 141-сонли Қарори билан тасдикланган Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта килиш коидаларига (матн давомида «Мажбурий сугурта коидалари» деб аталади) мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.2. Транспорт воситаларидан фойдаланишида транспорт воситалари эгаларининг жабрланувчилар хаёти, соғлиги ва (ёки) мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини коплаш бўйича фуқаролик жавобгарлиги конун хужжатларига мувофиқ юзага келиши билан бўлган мулкий манфаатлари транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта килиш (матн давомида «Мажбурий сугурта» деб аталади) обьектидир.

1.3. Томонлар, мазкур Шартномада келишилмаган барча саволлар бўйича Мажбурий сугурта коидаларига амал килади.

### 2. СУГУРТА ХОДИСАСИ

2.1. Транспорт воситасидан фойдаланишида жабрланувчининг хаёти, соғлиги ва (ёки) мол-мулкига зарар етказилганлиги учун Сугурта килдирувчининг фуқаролик жавобгарлигининг юзага келиши бўлиб, бу Сугурталовчининг сугурта товонини сугурта пули доирасида тўлаш мажбуриятини келтириб чиқаради.

### 3. СУГУРТА ХОДИСАСИДАН МУСТАСНО

3.1. Кўйидагилар оқибатида транспорт воситалари эгалари фуқаролик жавобгарлигининг юзага келиши сугурта ходисаси хисобланмайди:

- мажбурий сугурта бўйича сугурта полисида кўрсатилмаган транспорт воситасидан фойдаланишида зарар етказиши;
- маънавий етказилган зарар ва (ёки) бой берилган фойдаланинг ўрнини коплаш бўйича мажбуриятнинг юзага келиши;
- транспорт воситасидан маҳсус ажратилган жойларда мусобакалар, синовлар ёки ўкув хайдови давомида фойдаланишида зарар етказилганлиги;
- атроф мухитнинг ифлосланиши;
- ташилаёттган юк тавсирда зарар етказилиши, агар бундай жавобгарлик мажбурий сугуртанинг тегишли тури тўғрисидаги конун хужжатларига мувофиқ мажбурий сугурта килиниши керак бўлса;
- ходимлар хизмат ёки меҳнат мажбуриятларини бажараёттанида уларнинг хаёти ёки соғлигига зарар етказилиши, агар бу зарарнинг мажбурий сугуртанинг тегишли тури тўғрисидаги конун хужжатларига мувофиқ копланни лозим бўлса;
- ходимга зарар етказилганлиги туфайли келиб чиқсан зарарнинг ўрнини иш берувчи томонидан коплаш бўйича мажбурияти;
- хайдовчининг ўзи бошқараёттган транспорт воситасига ва унинг тиркамасига, уларда ташилаёттган юкка ва (ёки) уларга ўрнатилган асбоб-ускуналарга зарар етказилганлиги;
- юкни ортиш ёки тушириша, шунингдек транспорт воситаси мазкур транспорт воситасининг эгаси бўлган корхона, муассаса ёки ташкилот худудида харакатланганида зарар етказилганлиги;
- нодир ва бошка ноёб буюмлар, мэъморий ёдгорликлар, кимматбаҳо ва ярим кимматбаҳо тошлар ва металлардан ишланган буюмларга, диний кадриятта эга буюмлар, санъат асарлари, кўлзёмалар, ноёб аудиовизуал асарларга ҳамда интеллектуал фаолиятнинг бошка маҳсулларига, кимматли көғозлар, нақд пулларга, шу жумладан чет эл валютасига шикаст етказилганлиги ёки уларнинг йўқ килинганлиги;
- жабрланувчиларнинг сугурта ходисаси юзага келишига каратилган қасддан килган хатти-харакатлари натижасида етказилган зарар

3.2. Мазкур Шартноманинг 3.1 бандида кўрсатилган холларда транспорт воситаси эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги юзага келган тақдирда етказилган зарарнинг ўрни улар томонидан конун хужжатларига мувофиқ копланни керак.

### 4. СУГУРТА ПУЛИ, СУГУРТА МУКОФОТИ

4.1. Мажбурий сугурта бўйича сугурта пули сугурта полиси бўйича ҳар бир транспорт воситаси учун 40 000 000 (кирқ миллион) сўм микдорда белгиланади, жумладан:

- жабрланувчининг мол-мулкига зарар етказилганда – сугурта пулининг 35 фойзигача;
- жабрланувчининг хаёти ёки соғлигига зарар етказилганда – сугурта пулининг 65 фойзигача.

4.2. Транспорт воситаларининг рўйхати:

№	Транспорт воситаси маркаси	Давлат раками	Хисобланган сугурта мукофоти (сўм)
1.	TRAVERSE-PREMIER AT	01 0072 MV	168 000
2.	EQUINOX AT	01 785 UZS	168 000
3.	EQUINOX AT	01 189 DAV	168 000
4.	EQUINOX AT	01 190 DAV	168 000
5.	EQUINOX AT	01 191 DAV	168 000
6.	EQUINOX AT	01 192 DAV	168 000
<b>Жами:</b>		<b>6</b>	<b>1 008 000</b>

4.3. Ушбу Шартнома бўйича умумий сугурта суммаси 240 000 000 (иқки юз кирқ миллион) сўмни ташкил килади.

4.4. Ҳар бир транспорт воситаси бўйича сугурта мукофотини хисоблаш Мажбурий сугурта коидаларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

4.5. Ушбу Шартнома бўйича умумий сугурта мукофоти 1 008 000 (бир миллион саккиз минг) сўмни ташкил килади.

4.6. Сугурта мукофоти нақдсиз хисоб-китоб йўли асосида бир йўла тўланади. Мазкур Шартнома бўйича Сугурталовчининг жавобгарлиги пул маблаглари Сугурталовчининг (унинг вакили) банк хисоб ракамига келиб тушган кундан бошланади.

4.7. Агар мажбурий сугурта полиси амалда бўлган даврда Сугурталовчи сугурта товони тўласа, у холда Сугурта килдирувчи Сугурталовчидан сугурта товони тўланганлиги тўғрисидаги хабарнома олинган кундан эътиборан иккя хаштадаттаги муддатга тўланган сугурта товони суммасига ва мажбурий сугурта полиси амал килишининг колган муддатига мутаносиб равишда кўшичма сугурта мукофотини тўлади. Тўланадиган қўшимча сугурта мукофоти хисоб-китоби Мажбурий сугурта коидаларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

### 5. СУГУРТА ШАРТНОМАСИННИГ АМАЛ КИЛИНИШИ

5.1. Ушбу Шартнома сугурта полисида кўрсатилган муддат давомида тузилади ва имзоланган вактдан бошлаб амал килади.

5.2. Ҳар бир автотранспортлар бўйича мажбурий сугурта шартномаси сугурталовчи томонидан сугурта килдирувчига сугурта полисини ва маҳсус давлат белгисини тақдим этиш йўли билан бир йил муддатга тузилади.

### 6. ТОМОНЛАРНИНГ ХУКУКИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

#### 6.1. Сугурта килдирувчининг мажбурияти:

6.1.1. ЙТХ содир бўлганида давлат йўл харакати хавфсизлиги хизмати ходимларининг стиб келишини кутиши ва жабрланувчига (унинг меросхўрларига ёки хукукий ворисларига) сугурта полисининг нусхасини топширишини ўз вакилларига (хайдовчиларига) билдириш.

#### 6.1.2. Сугурта ходисаси содир бўлганида:

- дархол, йўл-транспорт ходисасидан кейин 72 соатдан кечиқтирмай, содир бўлган ходиса ҳакида Мажбурий сугурта коидаларининг 6-иловасига

мувофик ёзма шаклда, сугурта полисининг нусхасини илова килган холда Сугурталовчига (унинг филиалига) билдириши керак;

- зарарнинг олдини олиш ва (ёки) камайтириш юзасидан мумкин бўлган барча чораларни кўриши керак.

#### 6.2. Сугурта килдирувчи қўйидаги хукукга эга:

6.2.1. Сугурта килдирувчи жабрланувчига етказилган зарарнинг ўрнини Сугурталовчининг ёзма розилиги билан ўз хисобидан копласа, Сугурта килдирувчи етказилган зарарнинг ўрнини коплаш тартибида ўзи амалга оширган тўловларни тасдикловчи хужжатларни тақдим этганидан кейин Сугурталовчидан тўланган сугурта тўловини олиш.

#### 6.3. Сугурталовчининг мажбуриятни:

6.3.1. Мазкур Шартномада назарда тутилган холларда, Сугурталовчининг сугурта товонини тўлаш тўгрисидаги карори кабул килинган қундан ўтиборан беш иш куни мобайнида Жабрланувчига (унинг меросхўри ёки хукукий ворисига) ёки Сугурта килдирувчига (агар сугурта тўловини ўз хисобидан амалга оширган бўлса) тўлаши лозим.

6.3.2. Сугурта полиси ва маҳсус давлат белгиси йўқотиб кўйилган тақдирда Сугурта килдирувчига унинг дубликатларини тақдим этиш. Дубликатлар Сугурта килдирувчи мурожаат килган ва у дубликатларни тайёрлаш бўйича харажатларни (тўланган сугурта мукофотининг 10 фоизидан ошмаган микдорида) тўлаган кундан бошлаб икки кун муддатда берилади.

#### 6.4. Сугурталовчи қўйидаги хукукга эга:

6.4.1. Агар шикастланган мол-мulkни ёхуд унинг колдикларини кўздан кечириш ва мустакил экспертиза килишга (баҳолашга) кадар ушбу модда талабларига мувофик амалга оширилган шу мол-мulkни таъмириш ёки унинг колдикларини утилизация килиш сугурта ходисасининг мавжудлигини ва мазкур Шартнома бўйича ўрни қопланиши лозим бўлган зарарларнинг микдорини тўғри аниглаш имконини бермаса, Сугурталовчи жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки хукукий ворисига) сугурта тўловини ёки унинг бир кисмини тўлашни рад этиш.

6.4.2. Сугурталовчининг сугурта товонини тўлашни рад этиш тўгрисидаги ёки уни тўлаш хакидаги карори Сугурта килдируvчига у сугурта товони тўлаш тўгрисида ёзма мурожаат этганидан кейин ўн беш кундан кечирилмай хабар килиниши керак.

### 7. СУГУРТА ТОВОНИНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ

7.1. Сугурта товони етказилган зарар микдорида, лекин сугурта пулидан ошмаган микдорда Сугурталовчи томонидан бевосита жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки хукукий ворисига) тўланади

7.2. Агар сугурта ходисаси содир бўлганда сугурта товони тўловлари бир нечта жабрланувчига (уларнинг меросхўрларига ёки хукукий ворисларига) тўланиши керак бўлса ва уларнинг Сугурталовчига билдирилган талаблари суммаси сугурта товони микдоридан ортиқ бўлса, сугурта товони хар бир жабрланувчининг барча жабрланувчилар (уларнинг меросхўрлари ёки хукукий ворислари) талабларининг умумий суммасидаги улушкига мутаносиб равишда тўланади

7.3. Агар Сугурта килдируvчи жабрланувчига етказилган зарарнинг ўрнини Сугурталовчининг ёзма розилиги билан ўз хисобидан копласа, Сугурта килдируvчи етказилган зарарнинг ўрнини коплаш тартибида ўзи амалга оширган тўловларни тасдикловчи хужжатларни тақдим этганидан кейин Сугурталовчи Сугурта килдируvчига сугурта тўловини тўлайди.

Бундай холда Сугурта килдируvчи қўйидаги хужжатларни (асл нусхаларини ёки нусхаларини) тақдим этиши лозим:

- жабрланувчининг сугурта товонини тўлаш тўгрисидаги аризаси;
- сугурта полиси;
- зарар етказилганлиги фактини ва зарар микдорини тасдикловчи хужжатлар (йўл-транспорт ходисаси тўгрисидаги хулоса ёки карор, тиббиёт муассасаларидан олинган маълумотнома ёхуд хаётга ёки согликка зарар етказилганлигини тасдикловчи бошка хужжатлар, ўлим хакидаги далолатнома ёхуд гувохнома);
- мол-мulkка зарар етказилганлиги фактини ва зарар микдорини тасдикловчи хужжатлар (тижорат далолатномалари, юк хатлари, асосий воситалар дафтаридан кўчирмалар, тўлов хужжатлари, шартномалар, мол-мulkни мустакил баҳолаш далолатномалари ва бошка шу кабилар);
- жабрланувчининг шахсини ёки унинг давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдикловчи хужжатлар;
- мерос хукукини ёки хукукий ворисликни олганликларини, шунингдек меросхўрларнинг шахсини ёки хукукий ворисларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдикловчи хужжатлар (агар сугурта товони жабрланувчиларнинг меросхўрларига ёки хукукий ворисларига тўланиши лозим бўлса);

7.4. Сугурта товони суд харажатларини, шунингдек жарималар ва бошка шу каби тўловларни копламайди.

### 8. РЕГРЕСС ТАЛАБИНИ ҚЎЙИШ ХУҚУКИ

8.1. Сугурталовчи зарар етказган шахсга ўзи тўлаган сугурта тўлови микдорида қўйидаги холларда регресстартибида талаб килиш хукукига эга:

- а) мазкур шахснинг касди окибатида жабрланувчининг хаёти, соғлиги ва (ёки) мол-мulkига зарар етказилган бўлса;
- б) зарар транспорт воситаси мазкур шахс томонидан мастилик холатида ёки гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки шахснинг аклидикнига таъсири кўрсатувчи бошка моддалар таъсири остида бошқариш хукукига эга бўлмаган бўлса;
- в) мазкур шахс ўзи фойдаланаётганда зарар етказган, транспорт воситасини бошқариш хукукига эга бўлмаган бўлса;
- г) мазкур шахс йўл-транспорт ходисаси содир бўлган жойдан яширинган бўлса;
- д) мазкур шахс транспорт воситасини бошқаришга руҳсат этилган шахс сифатида Мажбурий сугурта полисига киритилмаган бўлса (транспорт воситасидан факат Мажбурий сугурта полисида кўрсатилган хайдовчилар фойдаланиши шарти билан Мажбурий сугурта полиси тузилганда);
- е) сугурта ходисаси мазкур шахс транспорт воситасидан Мажбурий сугурта полисида назарда тутилмаган аниқ даврда фойдаланаётганда содир бўлган бўлса (транспорт воситасидан Мажбурий сугурта полисида назарда тутилган даврда фойдаланиш шарти билан Мажбурий сугурта полиси тузилганда).

8.2. Бунда Сугурталовчи мазкур шахсдан сугурта ходисасини кўриб чикишда килинган харажатларни коплашни ҳам талаб килишга ҳаклидир.

### 9. ТОМОНЛАР ЖАВОБГАРЛИГИ

9.1. Томонлар мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариши бўйича Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Конунчилигига асосан жавобгардишлар.

9.2. Ушбу Шартномада келиб чиқадиган низоли масалалар музокаралар йўли билан ҳал этилади. Музокаралар йўли билан ҳал этилмаган тақдирда эса низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Конунчилиги асосида ҳал этилади.

### 10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

#### СУГУРТАЛОВЧИ НОМИДАН

#### СУГУРТА КИЛДИРУВЧИ НОМИДАН

«ALSKOM» СК АЖ

«Тагаққиот» филиали

Тошкент ш., М. Улугбек кўчаси, 25 уй,  
тел: 95 476 11 00, 95 476 22 00.

АТ «Алокабанк» Амалиёт бошкармаси  
х/р № 2020 8000 0001 5529 1151,  
Банк коди 00401 СТИР 201941144.



Директор  
Алиев Ф.А.

М.У.

«KAPITAL QURILISH DIREKSIYASI DM»

Тошкент ш., Лабзак кўчаси, 70 уй,  
тел:

АТ «Алокабанк» Амалиёт бошкармаси  
х/р № 2021 0000 7052 6363 1001,  
Банк коди 00401 СТИР 207323774.

Директор  
Алиев Ф.А.

